

Уйда қолинг!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
22 апрель

ЧОРШАНБА
№ 29 (13290)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Халқимиз асрлар давомида эзгулик, саховат, сабр-қаноат, меҳр-шафқат оғи сифатида нишонлаб келган муборак Рамазон ойи бу йил бутун дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият давом этаётган оғир бир даврга тўғри келмоқда. Ана шундай қийин шароитда ҳам муқаддас динимиз буюрган ибодат амалларини уйда, оила даврасида адо этиб келаётган юртимиз мўмин-мусулмонлари ушбу фазилатли ойни Яратганнинг чексиз раҳмати ва мағфиратининг белгиси сифатида, эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Муборак Рамазон ойининг жамиятимиздаги маънавий-руҳий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳозирги мураккаб синов ва машаққатларни халқимиз, бутун жаҳон аҳли билан ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатликда енгиб ўтишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб қадриятларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2020 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 24 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда Рамазон ойининг карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уй шароитида, оила даврасида ўтказилиши учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

Айниқса, ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни янада қучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мавжуд эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, диний-маърифий руҳдаги онлайн суҳбат ва маърузалар ташкил этиш, бу йилги Рамазон ойини уй шароитида ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 апрель

*Одамизодга
нажот
бўри, ойналар
султони!*

Хадемай, юртимизга ойналарнинг сарвари, ўн бир ойнинг султони, Аллоҳнинг муборак китоби Қуръони карим нозил бўлган ой, моҳи шариф Рамазон ташриф буюради. **4**

Вилоятимизда қарийб 452 минг хонадоннинг 30,8 минг гектар томорқа майдони мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда. Айни пайтга қадар режалаштирилган барча турдаги бахорги экинлар деярли экиб бўлинди.



ТОМОРҚА: ҚАРАЛСА БОЎ, ҚАРАЛМАСА ДОЎ

Коронавирус пандемиясига доир мураккаб вазиятга қарамайдан, вилоятда жорий йил бахорги дала юмушлари, томорқада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ишлари бир зумга ҳам сусайгани йўқ. Энг муҳими, вилоятда ҳар қарич ер, айниқса, томорқадан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган. Худуднинг ери унумдор, иқлими мўътадил, суғориш масаласида муаммо йўқ. Шу боис, вилоят томорқаларида деярли барча ноз-неъматлар етиштири-

лади. Жумладан, Паркент туманининг витаминларга бой узуми ва картошкасини, Зангиота туманининг қулупнайини, бўкалик уста деҳқонларнинг мазали қовун-тарвузларини кўпчилик юртдошларимиз яхши билади. Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоғи эса қўқатларини бозорларга ҳам чиқараётгани қувонарли ҳол, албатта.

Томорқачиликда бу йил яхши ташаббусга қўл урилди. Хусусан, аҳоли томорқаларига арзон кўчат ва уруғликлар етказиб бериш

мақсадида барча туманларда "Томорқа – 2020" ярмаркалари ўтказилди. Бундай тадбир табиийки, ўз самарасини бермоқда.

Вилоятимизда жорий йилда томорқадан 2-3 мартабадан ҳосил олишга бел боғланди. Маҳсулотларнинг аҳоли истеъмолидан орган қисми пойтахтдаги харидорлар ва хориждаги истеъмолчиларга етказиб берилади.

Ўз мухбиримиз
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

ЙИРИК ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИ ҚУРИЛИШИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Зангиота туманида "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери қурилиши бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда видеоконференцалоқа орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда тиббиёт тизимини ривожлантириш, аҳолини сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган бундай йи-

рик лойиҳалар, амалга оширилаётган тўғри ва тезкор чоралар коронавирус оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг барвақт олдини олиш ва уни бартараф этишда

муҳим аҳамият касб этади.

"Tashkent Pharma Park" инновацион фармацевтика кластери қурилиши учун 79 гектар ер ажратилган бўлиб, у ерда 14 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш орқали Марказий Осиё минтақасида ягона замонавий фармацевтика кластери ҳамда 1700 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.



Одамзод яратилибдики, она заминдан ризқ излаб яшайди. Бугунги таҳликали коронавирус пандемияси дунё бўйлаб ўзи шундоқ ҳам кун тартибидан тушмай келаётган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини янада долзарб мақомга кўтарди. Бинобарин, бугун пандемияга қарши курашишнинг энг самарали ва долзарб жиҳатларидан бири карантин шароитида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Бугун мана шу улкан вазифани Юртбошимиз раҳнаомлигида давлат ўз зиммасига олиб, муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИШ

бугунги вазиятда нафақат ерга, балки эл-юртга ҳам хиёнатдир

Лекин, бунга катта-ю-кичик ҳар бир раҳбар, таълим соҳаси вакиллари, олиму мутахассислар, миришкор деҳқонларимиз, қўйингки, барча ватандошларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, бугунги синов даври ҳам албатта, орда қолади ҳамда ҳаёт тарзи яна ўз ўзига тушади. Халқимиз турмуш фаровонлиги, рўзғори, бошқача айт-

ганда, қора қозонининг қайнаши ҳаммаша ҳаётнинг эҳтиёж бўлиб қолаверади.

Энг муҳими, халқимиз юзага келган вазиятни тўғри баҳолаб, ўз хизмат вазифаларини масофадан туриб бажармоқда, ўқувчи ва талаба ёшларимиз онлайн дарс ва машғулотлар орқали таълим олишда давом этмоқда.

3

КОРОНАВИРУСНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!

COVID-19 дан сақланишнинг энг муҳим жиҳатлари

1. Ниқоб тақиш;
2. Қўлларни тез-тез совун билан ювиш;
3. Зарурат бўлмаганда ташқарига чиқмаслик;
4. Одамлар билан мулоқот вақтида 2 метрдан кам бўлмаган масофани сақлаш;
5. Тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳид билмаслик, қуруқ йўтал безовта қилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш.

ТЎРТТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИ

Дунёнинг қайси илғор нашининг ярқираган бирон мақоласини ўқиганим замон кузим қуйидаги ухшаш мўлоҳазаларга тушади: ҳаёт тарзидан, руҳий мезонлар, ижтимоий муҳит, қизиқишлар, таълим, тиббиёт ва илм-фан ҳақидаги тасаввурларимизни буткул остин-устун қиладиган, янгилайдиган бир инқилобнинг остонасида турибмиз. Саноат – 4.0 ёхуд "Тўрттинчи саноат инқилоби", инглизча айтиладиган бўлса, Industry – 4.0. Бу эврилишлар шундай аталади.

Хўш, бу кўплаб пешқадам илмий журналлар ва бир қанча давлат бошлиқларининг тилидан ҳеч тушмаган атама нима дегани? Ё бу яна оддий алдов, шиширтирилган баланд-парвоз хитоблардан бирими? (Давоми 3-саҳифада)

Дарҳақиқат, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришилишини Олий Мажлис томонидан мониторинг қилиб бориш жуда муҳим. Бу ўз навбатида, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг асосий мақсадларига эришиш билан чамбарчас боғлиқ.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бу муҳим вазифа «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурида белгиланган.

Давлат дастури Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг жорий стратегик ҳужжати ҳисобланади ва у БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалиётга татбиқ этиш бўйича миллий кўрсаткичларга эришишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи – жаҳон парламент ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Миллий парламент вакиллари Парламентлараро иттифоқ, ЕХҚТ Парламент ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси фаолиятида ва бошқа халқаро парламентлараро форумларда иштирок этади.

Давлат дастурида 287 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, жумладан 37 та қонун, 47 та қонуности ҳужжатни (шундан 29 таси Президент фармон ва қарорлари, 18 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори) қайта ишлаш ва қабул қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон парламенти ушбу ташкилотларнинг қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бундай яқин амалий ҳамкорлик орқали тинчлик ва ҳавфсизлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича парламентлараро мулоқот ривожига ўз ҳиссасини қўймоқда.

Парламентимиз ўз ишида қонун ижодкорлиги билан бир қаторда, асосий эътиборни назорат фаолиятига, хусусан парламент эшитувларини амалга ошириш, бюджетни назорат қилиш, "ҳукумат соати", депутат сўрови, шунингдек, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил қилиш ва фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқишга қаратаётди.

Халқ сайлаган ҳокимият органлари – миллий парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг роли ҳамда аҳамияти кейинги даврда тубдан ўзгарди. Парламентлараро иттифоқ тавсияларига мувофиқ Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайтирилди.

Ўртимизда парламент ва жамо-

атчилик назорати институтлари мустақамланмоқда. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар раҳбарлари томонидан парламентга ҳамда маҳаллий Кенгашларга ҳисобот ва ахборот тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Ҳукумат аъзоларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича қонунчилик чоралари қабул қилингани алоҳида диққатни тортади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазирнинг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Парламент, шунингдек, тегишли йил бўйича Давлат дастурининг амалиётга татбиқ этилишини ўрганади.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари БМТнинг шартномавий кўмиталари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий шарҳ доирасидаги тавсиялари ижроси юзасидан миллий ҳаракатлар дастурини ("йўл харитаси"ни) қабул қилади. Бундай самарадор тартиб Парламентлараро иттифоқ тавсияларига жавобан татбиқ этилган.

Глобал мақсадлар сифатида маълум бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари қашшоқлиқни тугатиш, сайёрамизни ҳимоя қилиш, шунингдек, барча инсонлар учун тинчлик ва фаровонлиқни таъминлаш бўйича ҳаракат қилишга ундайдиган қақриқ ҳисобланади. Бу муҳим халқаро ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, инсонийлик ва инсонсеварликдан бонг урадиган

мақсадлари бўйича БМТ кун тартибини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳудди шу даврга мўлжалланган барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифалари қабул қилинди. Бу ҳужжат барқарор ривожланишнинг 16 та миллий мақсади ва 127 вазифани ўз ичига олган.

Ушбу муҳим вазифалар иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишлар билан бевосита алоқадордир. Масалан, иқтисодиёт ва ҳаёт фаолияти соҳасида 2030 йилгача Ўзбекистонда кам таъминланганлик даражасини сезиларли пасайтириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдорини сезиларли ошириш, шунингдек, ёшлар ўртасида ишсизликни қисқартириш кўзда тутилган.

МАҚСАДЛАР — УЛУҒ, ТАШАББУСЛАР — ХАЙРЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида таъкидланганидек, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим".



Президентнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг чораклик ҳисоботларини ҳам кўриб чиқади.

Депутат ва сенаторлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича вазиятни ўрганиш ҳамда долзарб муаммоларни бартараф этишда манзилли ёрдам кўрсатиш учун мунтазам равишда ҳудудларга сафар қилишади.

Бу каби барча чора-тадбирлар, шубҳасиз, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Замонавий шароитда парламент фаолиятидаги янгиликларни алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, қонун чиқариш жараёнида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиётдан фойдаланиш ҳамда интернет ва "Mening fikrim" ижтимоий тармоғи орқали жамоат эшитуви механизмининг амалда қўллаш қонун лойиҳалари сифатини яхшилашга қўмаклашмоқда.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳолати, фуқаро ҳуқуқларининг алоҳида тоифаларини таъминлаш бўйича "йўл харитаси", инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисидаги маърузани парламент палаталари томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди. Бу ҳам парламент аъзоларининг янги Ўзбекистондаги янги талаблар бўйича ишлаши учун муҳим туртки бўлди.

"жаҳоний кўнгирок" демакдир.

Барқарор ривожланиш мақсадлари БМТга аъзо барча мамлакатлар қатори Ўзбекистон томонидан ҳам 2015 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган. У 2030 йилгача бажарилиши керак бўлган 17 мақсад ва 169 та вазифани ўз ичига олади. Ҳужжат ижроси натижалари қарийб 200 та мезон ёрдамида ўлчанади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, парламент давлат ва халқ ўртасидаги муносабатлар барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Парламент кўмиталарининг назорат функциясида самарали фойдаланиш БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Глобал мақсадлар сифатида маълум бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари қашшоқлиқни тугатиш, сайёрамизни ҳимоя қилиш, шунингдек, барча инсонлар учун тинчлик ва фаровонлиқни таъминлаш бўйича ҳаракат қилишга ундайдиган қақриқ ҳисобланади.

Ушбу назорат парламент аъзолари қонунчиликни ривожлантириш, сиёсатни амалга ошириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш билан боғлиқ барча ҳолатларга ҳолис баҳо бериш имконини тақдим этади.

Демократик ўзгаришлар ва мамлакат модернизациясида янги босқични бошлаб берган Ҳаракатлар стратегияси Барқарор ривожланиш мақсадларини амалиётга татбиқ этиш бўйича асосий "йўл харитаси" ҳисобланади.

2030 йилгача Барқарор ривожланиш

Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий индикаторларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди, "йўл харитаси" қабул қилинди. Ҳукумат аъзолари "парламент соати" ва парламент эшитувларида Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бормоқда.

Ҳозирги вақтда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Миллий маърузаси тайёрланмоқда. Миллий маъруза Олий Мажлис палаталарига ҳамда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига (ЭКОСОС) тақдим этилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Парламентлараро иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг "Парламентлар ва Барқарор ривожланиш мақсадлари" номли қўлланмаси ўзбек тилида нашр этилди ва парламент аъзоларига тарқатилди.

Шундай қилиб, Барқарор ривожланиш мақсадлари – бу барча давлатлар учун инсонларнинг фаровонлигини ошириш, атроф-муҳитни ва биологик хилма-хилликни асраш мақсадида жаҳондаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни кенг қамровда яхшилашга қаратилган глобал қақриқдир.

Бу жараёнда нафақат ижро этувчи ҳокимиятнинг фаол иштирок этиши, балки парламентнинг ҳам устувор ўрин тутуши Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида Олий Мажлис узоқ муддатли Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг асосий ташаббускори сифатида майдонга чиқиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи
ўринбосари



УЙДА ҚОЛИНГ!

МАХСУС КОМИССИЯ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ

2020 йил 10 майга қадар: Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича барча чеклов чоралари муддати узайтирилди ва янги тартиблар киритилди.

Хусусан, карантин даврида фақатгина банк пластик карталарига ўтказиш тартиби белгиланганлигини инобатга олган ҳолда, пенсионерларнинг пластик карталаридаги операциялар учун комиссия тўловларини ундирмаслик тартиби жорий этилади.

Электрон рақамли имзо қилини масофадан туриб олиш механизми жорий этилади.

Етказиб бериш хизматини кўрсатувчи лицензияга эга бўлган, йўналишсиз таксилар ҳайдовчилари "махсус комбенизон" (шахсий ҳимоя кийими), тиббий қўлқоп ва ниқобларда фаолият олиб бориши лозим.

Йўловчи ташиш фаолияти билан боғлиқ барча лицензиялар бўйича ариза қабул қилиш ва лицензияларни кўриб чиқиш ва бериш 2020 йил 10 майга қадар вақтинча тўхтатилади.

Нодавлат тиббиёт ташкилотларига барча талабларга риоя қилган ҳолда ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталиги марказлари раҳбарлари томонидан имзоландиган шартнома асосида 2020 йил 1 сентябрга қадар коронавирус инфекциясини лаборатор текшириш бўйича пуллик тиббий хизмат кўрсатишларига рухсат берилади.

Йўловчи ташиш фаолияти билан



боғлиқ барча лицензиялар бўйича ариза қабул қилиш ва лицензияларни кўриб чиқиш ҳамда бериш вақтинча тўхтатилади.

2020 йил 1 июнга қадар: Хорижий фуқароларга берилган виза муддатлари автоматик тарзда узайтирилади.

Визасиз кириш ҳуқуқига эга давлатлар фуқароларига мамлакатдан чиқиб кетишига рухсат берилади. Уларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Муддати тугайдиган куйидаги ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 2020 йил 1 июлга қадар узайтирилган деб ҳисобланади:

– барча рухсат бериш хусусиятига эга бўлган лицензия ва рухсатномалар;
– шахсни тасдиқловчи;
– автотранспорт воситаларини бошқариш учун талаб қилинадиган.

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ ЮМШАТИЛАДИМИ?

Президент қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ййғилиш ўтказди. Унда Шавкат Мирзиёев коронавирус аниқланмаган ёки эпидемиологик вазият яхшилланган вилоят, туман ва шаҳарларда карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш масаласини кун тартибига қўйди. Фаолияти тикланадиган объектларда ишлар санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

Ҳозирги пандемия пайтида ишсизлар, ёрдам ва қўмакка муҳтож аҳоли сонини ортиши табиий. Турли мамлакатлар касалликка қарши курашиш бариберида иш жойларини сақлаб қолиш ва иқтисодиётни кескин таназзулга учрамаслиги учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Шу боис Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат қилган ҳолда, "Саховат ва қўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди.

– Яқин кунларда барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи ки-



риб келади. Бу ойда эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунинг учун ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзи фаолият қилган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало маҳалладошлари, қўни-қўшинларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсада мувофиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги "Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4363-сон Қарорига асосан Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 5 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги ПҚ-4363-сон Қарори тўғрисида"ги 514-сон қарори билан "Вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция"си ташкил этилган.

Тошкент вилояти кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция тасарруфида бўлган қуйида кўрсатилган манзилларда бўш турган бино-иншоотлари ҳамда ер майдонларини қонунда белгиланган имтиёзлар бўйича тадбиркорлик субъектларини танлов савдоларида иштирок этишларига таклиф этади.

1. Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 247-уйда жойлашган
1-ХУДУД – 4"а"-ЛОТ – 0,20 Га, 4"б"-ЛОТ – 0,20 Га, 4"в"-ЛОТ – 0,40 Га, 4"г"-ЛОТ – 0,08 Га, 4"е"-ЛОТ – 0,22 Га, 4"ж"-ЛОТ – 0,17 Га, 4"з"-ЛОТ – 0,17 Га, 4"и"-ЛОТ – 0,15 Га;
2. Бекобод тумани, "Тақачи" МФЙда жойлашган
3-ХУДУД – 12-ЛОТ – 4,13 Га, 14-ЛОТ – 4,10 Га;
3. Бекобод шаҳри, "Андижон" МФЙ, Мухамедов кўчасидаги "Иссиқлик манбаи" корхонасининг 3,35 гектар ер майдонида жойлашган 6815,68 кв.м бино ва иншоотлари
4-ХУДУД – 1-ЛОТ – 0,18 Га, 2-ЛОТ – 0,05 Га, 3-ЛОТ – 0,55 Га, 4-ЛОТ – 0,60 Га, 5-ЛОТ – 0,40 Га, 6-ЛОТ – 0,55 Га, 7-ЛОТ – 0,37 Га, 8-ЛОТ – 0,35 Га, 9-ЛОТ – 0,25 Га, 10-ЛОТ – 0,05 Га;
4. Бекобод шаҳри, "Маданият" МФЙ, Наврўз кўчаси, 1-уйда 1,8 Га ер майдонида жойлашган
7-ХУДУД – 1-ЛОТ – 0,40 Га, 2-ЛОТ – 0,53 Га, 3-ЛОТ – 0,48 Га, 5-ЛОТ – 0,25 Га.

Манзил: Бекобод шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 1-уй, Бекобод шаҳар ҳокимлиги биноси.
Мурожаат учун доимий алоқа телефони: (+99890) 922-20-09.

"4-sonli Montaj boshqarmasi" АЖнинг устав фондидаги 56,17 фоиз давлат акция пакети биржа савдоларига чиқарилди

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "4-sonli Montaj boshqarmasi" АЖ устав фондидаги 56,17 фоиз давлат акция пакетини биржа савдоларига қўяди.

Савдога чиқарилаётган давлат акция пакетлари тўғрисида қисқача маълумот:

Давлат акцияларини эмитент устав фондидаги улуши – 56,17 фоиз;

Савдога чиқарилаётган акцияларнинг умумий сони – 1 223 340,0 (бир миллион икки юз йигирма уч минг уч юз қирқ) оддий акция;

Акциялар пакетининг умумий бошланғич нархи – 17 926 397 066,0 (ун етти миллиард тўққиз юз йигирма олти миллион уч юз тўқсон олти минг олти миш олти) сўм;

Бир донга акция нархи – 14654,0 (ун тўрт минг олти юз эллик тўрт) сўм;

Савдо ташкилотчиси – "Тошкент РФБ" АЖ;

Лотлар сони – 1 (бир) донга.

Давлат акцияларини сотиб олишни хоҳловчилар жорий йилнинг 25 майдан бошлаб "Тошкент РФБ"нинг махсус платформаси орқали давлат акция пакетларини сотиб олишга ариза беришлари мумкин.

Давлат акция пакетларини биржа савдоларида сотиб олиш тартиби бўйича барча қизиқтирган саволларни Агентлигининг инвестиция воситачиси ҳисобланган "Mulk Samoya Brokerlik Uyi" АЖга мурожаат қилиш орқали билиб олишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинқўл 2-тор кўчаси, 114-уй.
Телефон рақами: (95) 340-80-10.

Электрон почта манзили: toshkent@davaktiv.uz
Веб-сайт: www.davaktiv.uz
Сотувчининг инвестиция воситачиси: "Mulk Samoya Brokerlik Uyi" акциядорлик жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.
Телефон рақами: (90) 993-95-58.
Факс рақами: (0371) 267-34-96.

Электрон почта манзили: msbu-depozitariy@mail.ru
Веб сайт: www.ndvakt.uz
Эмитент: – "4-sonli Montaj boshqarmasi" АЖ.
Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Солар ШОЙ, Таш.ГРЭС кўргони.
Телефон рақами: +998 71 230-33-41, Факс: 71 230-52-31.
Электрон почта манзили: gakuzaosom4@mail.ru
Маҳаллий ва хорижий инвесторлар диққатига! Биржа савдоларида иштирок этишда ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидаги ишонч телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз: (0371) 259-21-37, 1082.

Бугуннинг гапи

риш масаласи шу кунларда муҳокама марказига чиқди. Ўзим ҳам кўп йиллардан буён кўлдан келгунча ердан фойдаланиб келатган оддий томорқачи сифатида баъзи бировлар ўз томорқасидан оқилона фойдаланмаслиги нималар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини билдириб ўтмоқчиман.

Биринчидан, томорқачига экатган уруғнинг сифатига аниқ қафолат керак. Кўп ҳолларда бозорларда сифатсиз ва ёзувга яраша ҳосил бермайдиган айниган уруғлар сотилмоқда. Оддий томорқачи эса ҳар доим ҳам бунни фарқлай олмайдди. Демак бунинг қафолатини ваколатли орган тўлиқ бўйича олиши, кимки унинг расмий шаҳобчасидан олган айниган уруғ натижасида зарар кўрса, зарарни қоплаб бериши керак.

Иккинчидан, томорқачига эккан экинни учун керакли минерал ўғит ва зараркунандаларга қарши дориларни тўсиқсиз сотиб олиш мумкинлигини тўлиқ қафолатлаш зарур. Афсуски, томорқачи кўп ҳолларда экинига ўғитни қайсибир фермердан яширин йўл билан сотиб олишига тўғри келади. Ваҳоланки, унинг томорқасига кимёвий ўғит зарур.

Учинчидан, ва энг муҳими: оддий томорқачи етиштирган маҳсулотининг ўзидан ортан қисмини таннардан олиб бозорда сота олиши ёки экспорт қила олишининг қафолати йўқ.

Томорқачи маҳсулотини етиштириб, унга харидор топа олмади сарсон юрган вақтида масъуллаб негандир "йўқ" бўлиб қолишади, ҳолинг қалай деб сўрашмайди. Бозорда эса томорқачининг ўзи бориб сотишига қафолатланган жой йўқ, бўлганда ҳам номига. Камига экспортнинг ҳам ўз "эга"лари бор, уллардан ортиб, оддий томорқачи экспорт қилолмайди. Масалан, янгийўллик томорқачиларнинг кўпчилиги ҳар йили харажат қилиб, турли кўкатлар экадию, сотиб олгунча юрагини ҳовучлаб ўтиради: ишқилиб четга йўл ёпилиб қолмасин, экспортчилар олиб кетсин, пулимизни берсин деб.

Шундай икки-чиқир ва баъзиларнинг кўзига кўринмайдиган муаммолар турганда қанчадир томорқачи табиий равишда "рискам" бормай, ҳеч бўлмаса зарар кўрмаслиги учун ҳам томорқачини ўз ҳолига ташлаб қўйиши ҳам мумкин-да...

Депутатнинг фикрича, мана шу жиҳатлар, муаммолар масалалар ҳам эътиборга олиниши керак.

Мадина АБДУСАМАТОВА
Тошкент ҳақиқати/
тайёрлади

Парламент куйи палатасининг 2020 йил 16 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларга чиқиб, аҳолининг томорқа ерлардан фойдаланиш ҳолатларини таҳлилий ўрганмоқдалар. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб аҳоли ўз экин майдонларидан имкон қадар унумли фойдаланаётган бир пайтда, айрим фуқаролар томорқаларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар.

Белгиланган тартиб-таомилга биноан ҳозирда томорқага қандай экин экиш аҳолининг ўз тақдирлари асосида шакллантирилади. Томорқа эгаси у ёки бу маҳсулотни етиштиришни ўзи режалаштирсаю, амалда уни бажармаса, бу ҳолат озиқ-овқат заҳирасини шакллантиришга ҳам салбий таъ-

сир қилади ва албатта, бундай лоқайдлик ўз баҳосини олиши шарт.

Карантин даврида аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда аҳоли томорқаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бу борада қатъий назорат олиб боришмоқда. Жуда кўп жойларда аҳоли томорқасидан унумли фойдаланилмоқда.

Хусусан, Оҳангарон шаҳридаги "Хонобод" маҳалласида томорқадан керагича

Томорқага томнинг орқасидан қарамайлик

ТОМОРҚА ЕРЛАДАН УНУМЛИ
ФОЙДАЛАНМАГАН
ФУҚАРОЛАРГА ҚАНДАЙ
ЧОРА КЎРИЛАДИ?

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа билан ушбу кодексни янги 65-1-модда билан тўлдириш тақлиф қилинпти. Унга мувофиқ, томорқа ерлардан унумли фойдаланмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Яъни, томорқага ўз танлови асосида бирон-бир қишлоқ хўжалик экинни экмаган фуқаролар аввал огоҳлантирилади. Кейин базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан у бараваригача миқдорда жаримага тортилади. Агар мазкур ҳолат маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, бу қиймат уч бараваридан беш бараваригача ошириши белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши томорқа ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш, ер участкаси

фойдаланиб келаётган, деҳқончиликнинг ҳадисини олган инсонлар кўп. Бундай қишлоқнинг ҳовлисига қадам қўйсангиз, обод томорқаларини кўриб, баҳридилангиз очилади, кайфиятингиз кўтарилади.

Самийон Холиқов ва Ортиқбой Эргашев ҳам ана шундай урдабурон оила бошлиқларидан. Самийон ака томорқасини яшнатиб, қўлпўнайзор барпо этган бўлса, Ортиқбой аканинг хонадонидидаги малина, қорағат ўсимликлари кўриб, кўзингиз қувонади. Хонадон соҳибининг қизиқшини қарангки, бу ерда ҳатто киви дарахтиниам учратасиз.

Маҳалладаги кўпгина хонадонларда томорқадан 3 маротабагача ҳосил олинмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам юртимизда томорқадан унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, шунингдек, томорқа катта даромад манбаи эканлиги, камда 2-3 марта ҳосил олиш зарурлиги алоҳида таъкидланганди.

ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ФИКРДА?
Расул КУШЕРБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

"Фойдаланилмай ётган томорқа ер эгаларига нисбатан жавобгарлиқни кучайти-

машина даври" дея аташганди.

"Тўртинчи санаот инқилоби" илк бор 2011 йилда, Олмониянинг Ганновер ярмаркасида тилга олинган. Бу инқилоб фақат ақлли (smart) технологияларгагина боғлиқ бўлиб қолмай, бугунгача маълум бутун энергия манбаларидан квант механикасига қадар кўплаб соҳаларни ўз ичига олади. Олимларнинг таъкидлашича, унинг аввалги асрлардаги инқилоблардан асосий фарқи

(шукр қилсак бўлмасмикан) тез бўлмаган. "Биринчи санаот инқилоби"нинг рамзи саналган тўқув машинаси бошқа ўлкаларга ёйилиши учун 120 йил вақт кетган. Абдулла Қаҳҳор хотираларидаги "Зингер" машинасини эсланг...

Бугун муаллифининг номи унутилган бир иқтибосда айтилганидек, "Биринчи санаот инқилоби"дан чиқарилган хулоса шу: кашфиётларни юзага

дан ўзлаштирилган молларнинг олди-бердиси билан шугулланади. Аслида, уларнинг муқим иш жойи, офиси ҳам бўлмайди. Уйдан фаолият кўрсатуви ишчилар уйдан буюртма қилади-ганларгагина хизмат кўрсата олишади. Ҳаммаси шундай оддий ва шундай мураккаб. Қизиқ, энди янги насл учун осмонўпар бинолар шарт эмас. Улар уйдан туриб ҳам ишини бажараверади. Дейлик, биз бундан беш йил аввал ҳам телефонимиз ҳисо-

ниб бориши натижасида роботлар атроф-муҳитни янада яхши идорқ қилишга, атрофга янада тез ўрганишга, бунинг баробарида биз уларга берган буйруқларни буткул ўзгача бажаришга дастурланмоқда. Аниқки, бундан буён роботлар булут технологияси (cloud computing) воситаси орқали ҳар қандай масофадан исталган ахборотни таҳлил қила оладилар ва албатта, ўз турдошлари билан алоқага чиқиш қўбилиятига ҳам эга бўладилар. Бундан келиб чиқадики, "Тўртинчи санаот инқилоби"нинг яна бир аломати роботлар жамиятининг яралиши ҳисобланади. Қаранг, энди жамият мезонлари ҳам ўзгарапти, шундай эмасми?

Дарвоқе, янги моддалар мавзуси жуда-жуда кенг. Бугна машҳур мисол – графен. У темирдан икки юз марта кучли, инсон соҳидан икки юз марта нозик, умуман олганда, иссиқлик ва электрни ўзидан ўтказишга мўлжалланган мушаккам наномодда. У ҳозирча жуда қимматбаҳо. Бир микрометр графен толасининг нархи минг доллардан ошди. Албатта, унинг нархи пасаяди ва истеъмолга ҳеч қийинчиликсиз кириб келади. Қизиқ, шу кунгача инсоният табиат бағридаги моддалардангина фойдаланарди, энди эса уларни ўзи яратаяпти. Яқин тарихда швейцариялик олимлар дунёнинг энг кичик "электроник бурни"ни ихтиро қилишди. Ушбу бурун ўн икки баллиқ зилзиладан ҳам одамларни омон сақлаб қола олиши таҳмин қилинмоқда. Эҳтимол, ўша олимлар ўзимизнинг "Бурнингни ҳар жойга суқма" деган гапни эшитган шу ихтирога кўл уришгандир...

Мирзохид МУЗАФФАР,
талаба

га ўзгаришлар киритилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа билан шугулланадиган алоҳида лавозим жорий этилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинди. Аҳолига уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича 250 га яқин "Томорқа хизмати" корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Томорқада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат

бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилиб, махсус жамғарма фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолига қўмаклашадиган, моддий ресурсларни етказиб берадиган ва молиялаштирадиган, олдин мутлақо бўлмаган янги тизим яратилди.

Видеоселекторда ушбу тизимдан самарали фойдаланиб, томорқаларда маҳсулдорлиқни ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Президентимиз бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши кераклигини, шунингдек, хонадонларда илҳам иссиқхоналар қуриш ҳам муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Бугунги синови даврида томорқа ерларига экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртва ва ерга нисбатан ҳиёнат деб баҳолалинишни ўзимизга шиор қилиб олайлик ва ҳеч биримиз ёддан чиқармайлик. Барчамиз коронавирус пандемияси билан боғлиқ тадбирларни тўғри қабул қилган ҳолда, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланайлик.

Зотан, қишлоқ хўжалиги соҳасининг олиму мисиршорлари, томорқачилар ҳам инсон имунитетини мустаҳкамловчи озиқ-овқат, сабзавот, витаминларга бой бўлган турли кўкат маҳсулотлари ҳамми ва уларнинг сифатини оширишга, мамлакатимизни тезроқ пандемия тузоғидан буткул халос бўлишига бамисли шифокорлардек масъул ва жавобгарлар, десак асло хато бўлмайди. Бунинг учун ҳар биримиздан чин инсонийлик фазилатлар, фидоийлик ҳамда ватанпарварлик талаб этилади.

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат Аграр университети
ректори,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати



ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИ
қаровсиз
қолдириш

бугунги вазиятда нафақат ерга,
балки эл-юртга ҳам хиёнатдир

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш жараёнида фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда бир қанча муҳим вазифалар белгилаб берилди.

"Бу вақтинчалик қийинчилик ва муаммолар, албатта, ўтиб кетади. Пок ниятли, дину диёнати, сабр-бардошли, олижаноб халқимиз билан ҳали кўп яхши кунларни кўрамыз, кўп тўй-томоша ва тантаналарни биргаликда нишонлаймиз, олдимизга қўйган мақсадларимизга албатта етамиз," – деди жумладан, давлатимиз раҳбари. Ўша дорилардан кунларга етишда барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бундай вазиятда ҳеч биримизнинг лоқайд ва бепарво бўлишга ҳақимиз йўқ.

Ҳаёт давом этмоқда. Халқимизнинг бирламчи турмуш эҳтиёжларини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда аграр соҳа муҳим аҳамият касб этади. Ушбу пандемия келтириб чиқарган инқироз чўқурлашиб кетмаслиги учун ҳам барчамиз айни кунларда ҳар бир лаҳзани ғанимат билмоғимиз жоиздир.

Коронавирус пандемияси дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсат ва чора-тадбирлар етарли эмаслигини яққол кўрсатди. Лекин бу ҳолатдан тушкунликка тушмаслик ва дадил ҳаракат қилмоқ энг тўғри йўлдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Бунинг учун барча фермер, кластер, деҳқонлар карантин қондаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экиш ишларини давом эттириши керак. Акс ҳолда ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш қийин бўлиши ҳаммага аён. Шу боис аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш

бўйича қатор қарорлар қабул қилинган, айрим қонунлар

Таниқли футуролог Рей Курцвейл ўзининг "Инсон 2.0" китобида шундай ёзади: "XXI асрда тараққиёт сурати аввалгидек зинама-зина, қатламма-қатлам эмас, ундан ўнлаб қаратезроқ, кучлироқ кечини кутиммоқда. Чунки, энди ёлғиз эмасмиз. Қўлимизда сунъий онг ва шу каби супер технологиялар бор. Улар жараён шиддатини ошириб юбаради. Масалан, Чилидаги ALMA супер-телескопи бир вақтининг ўзида олтидан олти телескоп кучига таянган ҳолда қисқа вақт мобайнида қонотдан ақлга сигмас ахборот етказиб бериши мумкин. Фикримга шу кичик мисолнинг ўзи ҳам исбот бўла олади..."

Дунёнинг пешқадам олимларининг айтганларига ишонадиган бўлсак, идора одамлари ва раҳбарлардаги анъанавий, стереотипик тушунчадан халос бўла олмаслик билан бирга бу иллатнинг оммавий тараққиётга кучли таъсири инновацион стратегия қарорларнинг амалга оширилишига монелик қилади. Бундан келиб чиқадики, "юқори"дан янгилаш ҳақидаги буйруқлар келаварида, бироқ бу буйруқ моҳияти буйруқ берувчи томонидан ҳали тўлиқ англаб етилмагани учун қороздаги оддий жумлалигига қолаверади.

Мазкур янгилашлар асосида "Биз киммиз?" саволининг бизга таниш жавоби ҳам ўзгаради. Яқин келажакда табиий-шуурий эволюция сабаб инсон тушунчаси ҳам орадан чиқиши мумкин. Деҳқонча тушунтирсак, қарорларимизнинг ярми ўзимизга, қолгани эса ўзимиз яратган сунъий интелектга оид бўлади.

Бу парадигматик ўзгаришлардан қўрққан ё уллардан минг ёруғлик йилли ўзоқликда умргуздорлик қилган каслар мен бу жараёнларга қўшилмайман ё ўз-ўзини ҳимоя инстинкти сабаб ҳаётимни тинчгина яшаб юравераман, дейишлари ҳам мумкин. Албатта, тараққиётдан ҳайиқиш фақат бизга теккан қа-

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада)

Тўртинчи санаот инқилоби



Сўнгра, XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб "Биринчи санаот инқилоби" бўй кўрсатди ва одамзод механизацияни ўзини бундан таниш жавоби ҳам ўзгаради. Яқин келажакда табиий-шуурий эволюция сабаб инсон тушунчаси ҳам орадан чиқиши мумкин. Деҳқонча тушунтирсак, қарорларимизнинг ярми ўзимизга, қолгани эса ўзимиз яратган сунъий интелектга оид бўлади.

Бундан тахминан ўн минг йил бурун инсоният деҳқончилик даврига ўтди ва бу тамадун ибтидосига сабаб бўлди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир инқилоб даврида нимадир, албатта буткул йўқолган ё унга нисбатан қарашлар ўзгарган. Биринчи инқилоб даврида халқлар а-

лақачон ўз миллий урф-одатларига, эътиқоди ва шахсиятига эга эди. Рост, ҳали ҳудудлар аниқ эмасди, бироқ Ер юзида тараққийлашган мамлакатлар камбағал ўлкаларни қандай бошқаришни аллақачон билар, юриспруденция, таъминот, фан ва таълим, тиббиёт каби тушунчалар одамлар онига табиий равишда сингиб бўлганди. Энди биз инглиз рицарлари ҳақидаги афсоналарга, "Минг бир кеча" эртакларига ишонамай қўйгандик. Уларнинг чўпчак эканлиги фош бўлгани он инқилоб бошланди. Хўш, тўртинчи инқилоб ниманинг инкор қилиниши сабаб юзага келиши мумкин? Бир йўлаб кўринг.

Массачусетс технология институтини профессорлари Эрик Бринеллфсон ва Эндрю Макефи 2014 йилда чоп этилган мақола билан бир хил номлаган китобдаги бир бўлимни "Иккинчи

шуки, улар ҳозиргидек бутун дунёга бир хил тезлик, айни шиддат билан ёйила олмасди. Америкада ихтиро қилинган қурилма Африканинг чеккасида боргунча бу ерда ўша қурилманинг янги моделлари яратилиб бўларди. Энди эса ундай эмас.

Масалан, дунёда тақрибан 1,3 миллиард одам ҳалигача электр токисиз яшайди. Бундан келиб чиқадики, "Иккинчи санаот инқилоби" дунёнинг фақат 17 фоизинигина қамраб олган, холос. Яна бир мисол, илк интернет пайдо бўлганда ривожланаётган мамлакатлардаги тўрт миллиард аҳоли интернетга уланмаган, ё у ерларда интернет бизниқичалик

чиқарган бош омил жамиятларнинг инновацияни ўзига қабул қила олиш тезлигига боғлиқ. Меъёр тараққиётнинг онаси, шиддат эса отасидир.

Янги аср воқеалиқларидан бири шуки, кўплаб ширкатлар етказиб бериш хизматини йўлга қўйди ва мазкур хизмат муайянлаштирилиб, ўзига хос рақамли маҳсулот йўналишида анча илғарилаб кетди. Электрон адабиётлар, пулли интернет манбалари шулар жумласидан саналади. Баъзи ширкатлар эса, айтарли ҳеч нарса қилишмайди. Улар фақат сайт ёки мобиль илова-лар орқали виртуал платформа яратади ва бошқа ширкатлар-



бини тўлдириш учун Paynet шахобчаларига йўл оларди. Бугун эса, ўтирган жойимизда, махсус иловалар ёрдамида барини бажаришимиз мумкин. Фарқи сездингизми? Бу, келажак "Тўртинчи санаот инқилоби"нинг рўй бериш сабабларидан бири – замон ва макон тушунчасининг ўзгариши ва "ишлаётган пайт" мишонанда бўлган каби эскирган қарашларнинг биратўла дафн этилишига эришишдир.

Супер роботлар – "Тўртинчи санаот инқилоби" уларнинг елкасида. Улар табиат қолиплари ва биз ўрганган ишлаш принципларини бир нуктада жамлагани ҳолда янгилаб меҳнат турини тақлиф қилади. Бугун сенсорларнинг кундан-кунга ривожла-

Аслида, ҳеч нарса бизнинг қўлимизда эмас. Ҳаммаси табиатнинг авзалигига боғлиқ. Японлар шундай тараққиёт билан ҳам ҳалигача цунами пайти жонларига ора киргувчи ускуна кашф қилишолмади. Қўриб турибмизки, башарият илм-фани оддий бир зарра, вирус олдига оқиб қолмоқда. Бошқа оғатларни айтмай қўя қалай. Сирасини айтганда, келажакки, "Тўртинчи санаот инқилоби"ни юқоридеги аломат, сабаб ва натижалар, ҳамда аниқки, бўйдан баланд дорға осилганлар ва "бурнини ҳар жойга суқиб" юргич қизқувчанлар яратишади...

